



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 30 » yanvar

№ 55

Toshkent sh.

### Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 23 январдаги ПҚ-39-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 23 январдаги ПҚ-39-сон қарорига мувофиқ:

қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва рағбатлантиришни назарда тутувчи **тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги** (кейинги ўринларда – рейтинг) жорий этилганлиги;

рейтинг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги” электрон платформасида идоралараро ахборот алмашинуви воситасида автоматик тарзда (онлайн) шакллантирилиши ва Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилиши белгиланганлиги;

Вазирлар Маҳкамасига рейтингни юритиш тартибини тасдиқлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Рейтингни шакллантириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари, даврийлиги ва методикаси ҳамда рейтингни эълон қилиш тартибини назарда тутувчи **Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда “Шаффоф курилиш” миллий ахборот тизими “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги” электрон платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда **бир ой муддатда** жорий этилаётган рейтингнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғиб қилиш ҳамда жамоатчиликда ижобий фикрни шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

**Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини  
аниқлаш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом фақат юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги (кейинги ўринларда – рейтинг) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда – Солиқ қўмитаси) “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги” электрон платформасида идоралараро ахборот алмашинуви воситасида автоматик тарзда (онлайн) шакллантирилади ва Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

Рейтинг техник жиҳатдан Солиқ қўмитаси томонидан таъминланади.

4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича умумий балл баҳолаш вақтида амалда бўлган кўрсаткичлар сони ва уларга берилган баллар йигиндисидан келиб чиқиб белгиланади.

5. Рейтинг шкаласи ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

6. Рейтингга оид тадбиркорлик субъекти фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва унга берилган баллар түғрисидаги маълумотлар солиқ тўловчининг шахсий кабинетида реал вакт режимида акс эттирилади.

Тадбиркорлик субъектининг рейтинг кўрсаткичлари ўзгарганда, солиқ тўловчининг шахсий кабинетидаги маълумотлар янгиланади.

7. Рейтинг маълумотлари бўйича тадбиркорлик субъектининг эътиrozлари мавжуд бўлганда, ўз шахсий кабинети орқали Солиқ қўмитасига мурожаат қиласиди.

8. Тадбиркорлик субъекти томонидан рейтинг кўрсаткичи юзасидан билдирилган эътиrozлар Солиқ қўмитаси томонидан бир иш куни давомида кўриб чиқилади. Бунда:

эътиrozлар асосли деб топилганда, маълумотлар базасига тегишли тузатишлар киритилган ҳолда қайта шакллантирилган рейтинг янгиланади;

эътиrozлар асоссиз деб топилганда, рейтинг кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолдирилиб, бу ҳақда тегишли тушунтириш солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат (кейинги ўринларда – Савдо-саноат палатаси) палатаси рейтинг маълумотларини ҳамда келиб тушаётган мурожаатларга тезкор жавоб берилишини мониторинг қилиб боради ва маълумотларнинг очиқлигини таъминлайди.

## 2-боб. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини баҳолаш мезонлари

10. Тадбиркорлик субъектининг фаолияти қуидаги кўрсаткичлар асосида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ даврийликда баҳоланади:

**а) умумий кўрсаткичлар:**

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомийлиги;

ЕБИТДА бўйича рентабеллик даражаси;

ер участкалари ва (ёки) кўчмас мулк обьектлари мавжудлиги;

бир нафар ходимга тўғри келадиган иш ҳақи жамғармаси;

солиқ ҳисботларининг белгиланган муддатларда тақдим этилиши;

ҳисобланган солиқларнинг белгиланган муддатларда тўланиши;

ҳисобланган солиқларнинг тўлов топшириқномаси орқали тўланганлиги;

электрон ҳисобварак-фактураларни қонунчиликда белгиланган муддатларда расмийлаштириш ҳолати;

электрон ҳисобварак-фактуралар орқали харид қилинган товарлар реализацияси;

солиқ органлари текширувидан олдинги таҳлил натижасида аниқлаган камчиликларнинг бартараф этилиш ҳолати;

**б) балларни камайтирувчи кўрсаткичлар:**

жойлашган жой (почта манзили) ўзгариши;

тадбиркорлик субъекти раҳбарининг қўнимсизлиги;

тадбиркорлик субъекти таъсисчиси ёки раҳбарининг ишончсизлиги;

тақдим этилган солиқ ҳисботларига тузатишлар солиқ тўловчининг ўзи томонидан мустақил киритилиши;

кўшилган қиймат солиги тўловчисининг маҳсус гувоҳномаси ҳолати;

солиқ қарзини мол-мулк ҳисобидан ундириш;

солиқка оид хуқуқбузарликлар учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораларининг қўлланилганлиги;

маҳсулотларнинг (товарлар ва хизматларнинг) идентификация кодларидан нотўғри фойдаланилганлиги;

тадбиркорлик субъектларининг кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги;

**в) қўшимча балл берувчи кўрсаткичлар:**

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар бандлигини таъминлаш;

мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдоридан ортиқ иш ҳақи тўланаётган ходимлар сонининг кўпайиши;

кўшилган қиймат солиги (кейинги ўринларда – КҚС) бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳа бўйича ўртacha кўрсаткичга нисбати;

айланмадан олинадиган солиқ (кейинги ўринларда – АОС) бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳа бўйича ўртacha кўрсаткичга нисбати.

11. Айланмадан олинадиган солиқни түловчиларни баҳолашда “АА” рейтинг шкаласидан юқори бўлмаслиги лозим.

### **3-боб. Рейтингни баҳолаш методикаси**

#### **1-§. Умумий кўрсаткичлар**

12. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомийлиги тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб фаолият юритиш давридан келиб чиқиб, қуидагича баҳоланади (бунда тадбиркорлик субъектининг ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган даври ҳисобга олинмайди):

фаолият кўрсатган ҳар бир йил учун – 2 баллдан;

5 йил ва ундан ортиқ фаолият кўрсатганда – 10 балл берилади.

13. EBITDA бўйича рентабеллик даражаси тадбиркорлик субъектининг соғ фойдасига фоиз тўловлари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, ҳисобланган фойда солиги суммаси қўшилиб, товарларни (хизматларни) сотишдан соғ тушумга бўлиш ва 100 га кўпайтириш орқали аниқланади ( $\text{EBITDA margin} = \text{EBITDA} / \text{даромад} \times 100\%$ ).

EBITDA бўйича рентабеллик даражаси тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган соҳанинг ўртача кўрсаткичидан:

70 фоиздан юқори бўлса – 10 балл;

50-70 фоизгача бўлса – 5 балл;

25-50 фоизгача бўлса – 2 балл берилади.

Мазкур кўрсаткични баҳолашда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботлар ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтган юридик шахслар бўйича кўрсаткичлар фойда солиги ҳисботи шаклларининг охирги солиқ даври маълумотларидан фойдаланилади.

14. Ер участкалари ва (ёки) кўчмас мулк обьектлари мавжудлиги тадбиркорлик субъекти фойдаланаётган ер участкалари (шу жумладан, қишлоқ хўжалиги учун узоқ муддатли ижарага ажратилган) ва (ёки) мулк хукуқи ёки ижара хукуқи асосида кўчмас мулк обьектлари мавжудлиги (ижара шартномалари ҳисобга қўйилганлиги) қуидагича баҳоланади:

мулк хукуқи асосида бўлса – 10 балл;

ижара шартномаси бўйича фойдаланилаётганда – 7 балл берилади.

Агар ер участкалари ва (ёки) кўчмас мулк обьектлари мавжуд бўлмаганда, шунингдек, тадбиркорлик субъектининг у кўрсатган манзилда фаолият юритмаётганлиги аниқланса – 5 балл чегирилади.

15. Бир нафар ходимга тўғри келадиган иш ҳақи жамгармасини баҳолашда тадбиркорлик субъекти томонидан бир нафар ходимга ҳисобланган иш ҳақи суммаси тегишли худуддаги иқтисодий фаолият тури бўйича ҳисобланган ўртача иш ҳақи миқдоридан:

100 фоиз ва ундан юқори бўлса – 10 балл;

75-100 фоизгача бўлса – 8 балл;

- 50-75 фоизгача бўлса – 6 балл;
- 25-50 фоизгача бўлса – 4 балл;
- 25 фоизгача бўлса – 2 балл берилади.

Бунда тадбиркорлик субъекти томонидан бир нафар ходимга ҳисобланган иш ҳақи суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлса – 5 балл чегирилади.

16. Солик ҳисоботларининг белгиланган муддатларда тақдим этилиши солик турлари бўйича солик ҳисоботлари белгиланган муддатларда тақдим этилганлигидан келиб чиқиб, қуидагича баҳоланади:

солик турлари бўйича ҳисоботлар белгиланган муддатларда тақдим этилганда – 10 балл берилади;

ҳисобот кечикириб тақдим этилганда ёки тақдим этилмаганда – балл берилмайди.

Мазкур кўрсаткични баҳолашда календарь ойда ҳисобот топшириш муддати келган барча солик турлари ҳисобга олинади.

17. Ҳисобланган соликларнинг белгиланган муддатларда тўланиш кўрсаткичи ҳисобланган солик суммаларининг белгиланган муддатда тўланганлигидан келиб чиқиб, қуидагича баҳоланади:

белгиланган муддатда тўланганда – 10 балл берилади;

кечикириб тўланганда ёки тўланмаганда – балл берилмайди.

Бунда ҳар ойда тўлов муддати келган ҳисобланган солик суммаси инобатга олинади.

18. Ҳисобланган соликларнинг тўлов топшириқномаси орқали тўланганлиги ҳисобланган солик суммаси тўлов топшириқномаси орқали тўланганлиги ёки солик органининг инкассо топшириқномаси асосида ундирилганлигидан келиб чиқиб, қуидагича баҳоланади:

тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса – 10 балл берилади;

солик органининг инкассо топшириқномаси орқали ундирилган бўлса – 5 балл чегирилади.

19. Электрон ҳисобварак-фактураларни қонунчиликда белгиланган муддатларда расмийлаштириш ҳолатини баҳолашда ҳисобот даврида товарлар жўнатилган (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган календарь санада расмийлаштирилган электрон ҳисобварак-фактуралар суммасининг жами электрон ҳисобварак-фактуралар бўйича товар айланмасидаги улуши (фоизи):

- 100 фоиз бўлса – 10 балл;
- 75-99 фоизгача бўлса – 7 балл;
- 50-75 фоизгача бўлса – 5 балл;
- 25-50 фоизгача бўлса – 2 балл;
- 25 фоизгача бўлса – 1 балл берилади;
- расмийлаштирилмаган бўлса – балл берилмайди.

20. Электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали харид қилинган товарлар реализациясини баҳолашда электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали календарь йил давомида харид қилинган (шу жумладан, импорт қилинган) товарлар ёки хомашёга мутаносиб равиша амалга оширилган товарлар реализацияси (жумладан, экспорт қилинган товарлар суммаси):

70 фоиздан кўп бўлганда – 10 балл.

50 фоиздан 70 фоизгача бўлганда – 5 балл берилади.

Бунда йил давомида 70 фоиздан ортиқ харид қилинган товарлар ёки хомашё қолдиқда қолганда – 5 балл чегирилади.

Мазкур кўрсаткични ҳисоблашда 1 январь (янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун – рўйхатдан ўтган давр) ва 31 декабрь санасидаги товар ёки хомашё қолдиги инобатга олинади. Бунда асосий воситалар суммаси ҳисобга олинмайди.

21. Солик органлари текширувдан олдинги таҳлил натижасида аниқлаган камчиликларнинг бартараф этилиш ҳолати солик органлари ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган текширувдан олдинги таҳлил натижасида камчилик аниқланмаганлиги ёки уларнинг бартараф этилганлигидан келиб чиқиб қуидагича баҳоланади:

камчилик аниқланмаган ёки келтирилган камчиликларнинг мавжуд эмаслиги асослантирилган бўлса – 10 балл;

камчиликлар ихтиёрий равиша бартараф этилган бўлса – 7 балл берилади.

Бунда камчиликлар бартараф этилмаган ёки келтирилган камчиликларнинг мавжуд эмаслиги асослантирилмаган бўлса – 5 балл чегирилади.

## **2-§. Балларни камайтирувчи кўрсаткичлар**

22. Жойлашган жой (почта манзили) ўзгариши кўрсаткичини баҳолашда тадбиркорлик субъекти жойлашган жойи (почта манзили) охирги 12 ой давомида 3 ва ундан кўп маротаба ўзгартирилган бўлса, баллар йиғиндисидан 5 балл чегирилади.

23. Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг қўнимсизлиги кўрсаткичини баҳолашда охирги 12 ой давомида тадбиркорлик субъекти раҳбари 3 ва ундан кўп маротаба ўзгартирилган бўлса, баллар йиғиндисидан 5 балл чегирилади.

24. Тадбиркорлик субъекти таъсисчиси ёки раҳбарининг ишончсизлиги кўрсаткичини баҳолашда охирги 36 ой давомида тадбиркорлик субъектининг таъсисчиси ёки раҳбари жиной жавобгарликка тортилган бўлса ёки банкротлик асосида тугатилган тадбиркорлик субъектига раҳбарлик қилган бўлса, баллар йиғиндисидан 5 балл чегирилади.

25. Тақдим этилган солик ҳисботларига солик тўловчининг ўзи томонидан мустақил тузатишлар киритилиши кўрсаткичини баҳолашда солик (ҳисбот) даврида аввал тақдим этилган ҳисботларга:

бир маротаба ўзгартириш киритилган бўлса – 1 балл;

икки маротаба ўзгартириш киритилган бўлса – 2 балл;

уч маротаба ўзгартириш киритилган бўлса – 3 балл;  
 тўрт маротаба ўзгартириш киритилган бўлса – 4 балл;  
 беш ва ундан ортиқ ўзгартиришлар киритилган бўлса – 5 балл чегирилади.

Мазкур кўрсаткич бўйича баҳолашда календарь йилда ҳисобот топшириш муддати келган барча солик турлари ҳисобга олинади. Бунда бир солик даври учун ўсиб борувчи якуни билан топширилган аниқлаштирилган солик ҳисоботлари бир маротаба тақдим этилган деб ҳисобланади.

26. Кўшилган қиймат солиғи тўловчисининг маҳсус гувоҳномаси ҳолатини баҳолашда қўшилган қиймат солиғи тўловчисининг маҳсус гувоҳномаси бекор қилинган ёки тўхтатилган тақдирда, баллар йигиндисидан 10 балл чегирилади.

27. Солик қарзини мол-мулк ҳисобидан ундириш кўрсаткичини баҳолашда тадбиркорлик субъектининг солик қарзини ундириш бўйича мол-мулкига қаратилганлик ҳолатлари аниқланса, баллар йигиндисидан 5 балл чегирилади.

Бунда солик қарзи тўлиқ тўлангандан кейин камайтирилган баллар олиб ташланади.

28. Соликқа оид хуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилганлиги кўрсаткичини баҳолашда тадбиркорлик субъекти мансабдор шахсларига нисбатан охирги 12 ойда соликқа оид хуқуқбузарликлар учун:

маъмурий жавобгарлик қўлланилган бўлса – 2 балл;  
 жиноий жавобгарлик қўлланилган бўлса – 5 балл чегирилади.

Бунда маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор белгиланган тартибда бекор қилинган ёки жиноят иши Жиноят-процесуал кодексига асосан тугатилган ёки оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда чегирилган баллар олиб ташланади.

Мазкур кўрсаткич хуқуқбузарлик (жиноят) содир этилган тадбиркорлик субъекти рейтингини ҳисоблашда инобатга олинади.

29. Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) идентификация кодларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатини баҳолашда бир ойда камида икки маротаба ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттириш ҳолатлари аниқланганда, баллар йигиндисидан 5 балл чегирилади.

30. Тадбиркорлик субъектларининг кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги кўрсаткичини баҳолашда кредиторлар томонидан охирги ўн икки ойда қарздорликни ундириш бўйича судга даъво аризалари икки ва ундан ортиқ маротаба киритилиб, қаноатлантирилган бўлса, баллар йигиндисидан 10 балл чегирилади.

### **3-§. Қўшимча балл берувчи кўрсаткичлар**

31. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар бандлигини таъминлаш кўрсаткичини баҳолашда тадбиркорлик субъекти ходимларининг умумий сонида “Ягона ижтимоий реестр”, “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ногиронлиги бўлган шахслар улуши:

- 20 фоиздан юқори бўлганда – 10 балл;
- 10 фоиздан 20 фоизгача бўлганда – 5 балл берилади.

32. Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ортиқ иш ҳақи тўланаётган ходимлар сонининг ортиши кўрсаткичини баҳолашда ўн икки ой олдинги ҳисобот даврига нисбатан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ортиқ иш ҳақи олган ходимлар сонининг йиллик ўртacha сони:

- 50 фоиз ва ундан юқори бўлса – 15 балл;
- 40-50 фоизгача бўлса – 10 балл;
- 30-40 фоизгача бўлса – 8 балл
- 20-30 фоизгача бўлса – 6 балл;
- 10-20 фоизгача бўлса – 4 балл;
- 1-10 фоизгача бўлса – 2 балл берилади.

Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу кўрсаткич фаолият даврининг иккинчи ойидан бошлаб ўтган ойга нисбатан солиштирилади.

33. ҚҚС бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳага оид ўртacha кўrсаткичга нисбатини баҳолашда тадбиркорлик субъекти томонидан бир ой давомида тўланган ҚҚС суммаси ҳар бир туман (шаҳар) миқёсида у фаолият юритаётган соҳа бўйича ўртacha ҳисобланган ҚҚС суммасидан 1,1 баробар юқори бўлса ёки экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этса – 10 балл берилади.

Бунда бир ойлик тўлов суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаридан кам бўлмаслиги лозим.

34. АОС бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳага оид ўртacha кўrсаткичга нисбатини баҳолашда тадбиркорлик субъекти томонидан бир ой давомида тўланган АОС суммаси ҳар бир туман (шаҳар) миқёсида у фаолият юритаётган соҳа бўйича ўrтacha ҳисобланган АОС суммасидан 1,1 баробар юқори бўлса ёки экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этса – 10 балл берилади.

Бунда бир ойлик тўлов суммаси базавий ҳисоблаш миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

35. Мазкур Низом билан белгиланган кўrсаткичлар ва уларни баҳолаш методикасига Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгашининг таклифлари асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

36. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бүйича низолар қонунчилик хужжатларига мувофик ҳал қилинади.

37. Соҳалар бүйича ўртача кўрсаткичлар йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси бўйича алоҳида, туманлар (шаҳарлар) кесимида алоҳида, шунингдек, айланмадан олинадиган солик тўловчилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

38. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик  
рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги  
ШКАЛАСИ**

Барқарорлик даражаси	Рейтинг кўрсаткичи	Баҳо
Юқори	AAA	96-100 балллар
	AA	91-95 баллар
	A	86-90 баллар
Ўрта	BBB	76-85 баллар
	BB	66-75 баллар
	B	56-65 баллар
Қониқарли	CCC	51-55 баллар
	CC	36-50 баллар
	C	26-35 баллар
Қуий	D	25 баллгача

**Изоҳ.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгашининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси билан келишган ҳолда ушибу шкалага ўзгартиришилар киритилиши мумкин.

**Тадбиркорлик субъектларининг баркарорлик рейтинги**  
**КЎРСАТКИЧЛАРИ**

T/p	Кўрсаткич номи	Хисоблаши даврийлиги	Масъул ташкилот
<b>а) Умумий кўрсаткичлар</b>			
1.	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомийлиги	Йиллик	Адлия вазирлиги
2.	ЕВИТА бўйича рентабеллик дарражаси	Йиллик	Вазирлар Махкамаси хузуридаги Солик кўмитаси
3.	Ер участкалари ва (ёки) кўчмас мулк обьектлари мавжудлиги	Ойлик	Иктисодийёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги
4.	Бир нафар ходимга тўри келадиган иш хаки жамғармаси	Ойлик	
5.	Солик хисоботларининг белгиланган муддатларда тақдим этилиши	Ойлик	
6.	Хисобланган соликларнинг белгиланган муддатларда тўланиши	Ойлик	
7.	Хисобланган соликларнинг тўлов топширикномаси оркали тўлантанлиги	Ойлик	Вазирлар Махкамаси хузуридаги Солик кўмитаси
8.	Электрон хисобварак-фактураларни конунчиликда белгиланган муддатларда расмийлаштириш холати	Ойлик	
9.	Электрон хисобварак-фактуралар оркали харид килинган товарлар реализацияси	Йиллик	
10.	Солик органлари текширувидан оддинги тахлил натижасида аниқлаган камчиликларнинг бартараф этилиш холати	Кунлик	

**б) Балларни камайтирувчи кўрсаткичлар**

11.	Жойлашган жой (почта манзили) ўзгариши	Йиллик	Адлия вазирлиги
12.	Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг кўнимсизлиги	Йиллик	Адлия вазирлиги
13.	Тадбиркорлик субъекти таъсисчиси ёки раҳбарининг ишончсизлиги	Йиллик	Олий суд, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Солик кўмитаси
14.	Такдим этилган солик хисоботларига тузатишлар солик тўловчининг ўзи томонидан мустакил киритилиши	Ойлик	Вазирлар Махкамаси хузуридаги Солик кўмитаси
15.	Кўшилган киймат солиги тўловчисининг маҳсус гувоҳномаси ҳолати	Кунлик	
16.	Солик карзини мол-мулк хисобидан ундириш	Йиллик	
17.	Соликка оид хукуқбузарликлар учун маъмурӣ ёки жиной жавобгарлик чораларининг кўпланилганлиги	Йиллик	Олий суд, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Солик кўмитаси
18.	Маҳсулотларнинг (товарлар ва хизматларнинг) идентификация кодларидан нотўғри фойдаланилганлиги	Ойлик	Вазирлар Махкамаси хузуридаги Солик кўмитаси
19.	Тадбиркорлик субъектларининг кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги	Йиллик	Олий суд
<b>в) Кўшимча балл берувчи кўрсаткичлар</b>			
20.	Ижтимоий химояга муҳтоҷ шахслар бандлигини таъминлап	Ойлик	Камбағалликни қискартириш ва бандлик вазирлиги

21.	Мехнатга хак тўлашнинг ЭНГ кам минқоридан ортиқ иш хаки тўланаётган ходимлар сонининг кўпайини	Ойлик	Вазирлар Махкамаси
22.	Кўшилган киймат солиги бўйича хисобланган солик суммасининг тегишли соҳа бўйича ўргача кўрсаткичга нисбати	Ойлик	хузуридаги Солик кўмитаси
23.	Айланмадан олинадиган солик бўйича хисобланган солик суммасининг тегишли соҳа бўйича ўргача кўрсаткичга нисбати	Ойлик	

